

Туядан олинадиган закот жадвали | Фикҳ дарслари (293-дарс)



19:00 / 01.08.2024 2724

Тўрт дона туяси бор одамга закот фарз бўлмайди. Агар эгаси ўзи хоҳлаб берса, ўзининг ихтиёри.

Туяларнинг номлари изоҳи қуйидаги жадвалда келади.

Бинти Мухоз	Бир ёшдан ошган урғочи туя
----------------	----------------------------

Бинти Лабун	Икки ёшдан ошган урғочи туя
Ҳиққа	Уч ёшдан ошган урғочи туя
Жазаъа	Тўрт ёшдан ошган урғочи туя

Туядан олинадиган закот жадвали

Туялар сони	Бериладиган закот миқдори
5 тадан 24 тагача	Ҳар 5 тасидан 1 та қўй
25 тадан 35 тагача	1 та бинти мухоз туя

36 тадан 45 тагача	1 та бинти лабун туя
46 тадан 60 тагача	1 та ҳиққа туя
61 тадан 75 тагача	1 та жазаъа туя
76 тадан 90 тагача	2 та бинти лабун туя
91 тадан 120 тагача	2 та ҳиққа туя
76 тадан 90 тагача	2 та бинти лабун туя

91 тадан 124 тагача	2 та ҳиққа туя
---------------------	----------------

124 тадан ошган туялар закоти жадвали

Туялар сони	Бериладиган закот миқдори
120 тадан 124 гача	2 та ҳиққа
125 тадан 129 гача	2 та ҳиққа ва 1 та қўй
130 тадан 134 гача	2 та ҳиққа ва 2 та қўй
135 тадан 144 гача	2 та ҳиққа ва 4 та қўй

145 тадан 149 гача	2 та ҳиққа ва 1 та бинти мухоз
150 тадан 154 гача	3 та ҳиққа
155 тадан 159 гача	3 та ҳиққа ва 1 та қўй
160 тадан 164 гача	3 та ҳиққа ва 2 та қўй
165 тадан 169 гача	3 та ҳиққа ва 3 та қўй
170 тадан 174 гача	3 та ҳиққа ва 4 та қўй

175 тадан 185 гача	3 та ҳиққа ва 1 та бинти мухоз
186 тадан 195 гача	3 та ҳиққа ва 1 та бинти лабун
196 тадан 204 гача	4 та ҳиққа

Ҳанафий мазҳабининг бу ҳақдаги далиллари:

هِيَ وَهَارُ نُبُ قُحَا سِ إِ يَ وِر
 لُ وِسَر ر نَأ : دُ وَاد وُبَأ وِي وَا ح ط ل ا و
 هِيَ لَع ه ل ل ا ي ل ص ه ل ل ا
 مَزَح نُب و ر م ع ل ب ت ك م ل س و
 ص ي ا ر ف ن م ج ر ح ي ا م ر ك ذ ي ف
 ا ذِ ا ف « : ه ي ف ن ا ك ف ، ل ب ا ل ا

نَيْرُشْعُ نَمَ رَثُكَ أَتَنَّاكَ
نَيْسُمَخْلُكَ يَفِي فِئَامٍ
تُنْبَنِي غَبْرًا لُكَ يَفِي وَهُوَ قَح
فِئَامٌ يَلْعَلُ ضَفَّ أَمْفٍ نُوْبَل
لِوَأَيُّ دَاغِي هُنَّ إِفَنِي رُشْعُ
نَّاكَ أَمْفٍ لِبِإِلَاءِ ضَيَّرَف
نَيْرُشْعُ وَسُمَخْلُكَ نَمَلُّ قَأ
سُمَخْلُكَ يَفِي مَنَعَلِ هِي فَف
هُوَ أَشِدُّ

Исҳоқ ибн Роҳавайх, Таҳовий ва Абу Довуд ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Амр ибн Ҳазмга туянинг закоти чиқарилиши хусусида ёздириб берган мактубларида қуйидагилар бор эди:

«Қачон бир юз йигирматадан ортса, ҳар элликтада бир ҳиққа. Ҳар қирқтадан битта бинти лабун. Бир юз йигирматадан ортганда туя закотининг аввалига қайтарилади. Йигирма бештадан озида қўй берилади. Ҳар бешта туядан бир совлиқ».

Ибн Масъуд ва Осим ибн Зомра розияллоҳу анҳудан ҳам шу ривоят келган.

نَا هُنَّ عُلَل لِي ضَرِي لَع نَع
هِي لَع هِل لِي صِي بِن ل
نُكِي مَل نَم « لَاق مَلَسَو
ال ف ل ب ل ا ن م غ ب ر ا ا ه ذ ن ع
ا س م خ ت ن ا ك ا ذ ا و ه ي ل ع ا ك ز
ة ا ش ا ه ي ف ف

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимнинг тўрттадан бошқа туяси бўлмаса, унга закот фарз бўлмайди. Қачон бешта бўлса, ундан қўй», дедилар».

Қорамол закоти

Қорамолда: ўттиздада бир ёшли эркак ёки урғочи бузоқ. Қирқтада икки ёшли эркак ёки урғочи бузоқ. Қирқдан зиёда бўлганда то олтмиштагача ҳисобланади. Сўнгра ҳар ўттиздада бир ёшли эркак бузоқ. Ҳар қирқтада икки ёшли урғочи бузоқ.

Ушбу жумлалардан фақат биттаси шарҳга муҳтож. У ҳам бўлса, «Қирқдан зиёда бўлганда то олтмиштагача ҳисобланади» жумласидир.

Бунда қирқтадан то олтмиштагача зиёда бўлган қорамолнинг зиёдасидан ҳисоблаб, закот берилиши ҳақида сўз бормоқда.

Битта зиёда бўлса, икки ёшли урғочи бузоқ қийматининг ўндан бирининг тўртдан бири, яъни қирқдан бири берилади.

Иккита зиёда бўлса, икки ёшли урғочи бузоқ қийматининг ўндан бирининг ярми, яъни йигирмадан бири берилади ва ҳоказо.

Уламоларимиз бу ҳукмларни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан олганлар. Ана шундай ҳадислардан иккитасини мисол тариқасида келтирамиз.

لَا أَقُوهُ نَعُهُ لَلَا يَضُرُّ ذَاغُمُ نَعُ
هُ لَلَا يَلْصُقُ يَبْنُلَا يَنْتَعَبُ
نَمَّيْلَا يَلَامُ لَسَوِ هَيْلَعُ
لُكُ نَمَ دُخَا نَا يَنْرَمَ أَفُ
وَاعِي بَتَّ رَقَبَ نِي ثَالِثُ
نِي غَبْرًا لُكُ نَمَوِ، عَعِي بَتَّ
نَنْسُلَا بِأَخْصَا هَاوَرِ. نَسْمُ
هَخَّصَوُ مَكْأَخْلَاوُ

Муъоз розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мени Яманга юбордилар ва ҳар ўттизта қорамолдан битта эркак ёки урғочи бир ёшли бузоқ олишимни ва ҳар қирқтадан бир дона икки ёшли урғочи бузоқ олишимни амр қилдилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган, Ҳоким саҳиҳ деган.

هَلَلَا يَلَّصِي نَرَمًا لَأَقُ هَنْعَو
نَمَدُخَا أَلْ نَأْمَلَسَو هَيْلَع
عَلْبَتِ يَّتَحْ أَيُّ شِرْقَبُلَا
تَعَلَبْ إِذِافَ ، نِي ثَالِثِ
عِبَاتُ لُجَعِ أَهِي فَفَ نِي ثَالِثِ
عَلْبَتِ يَّتَحْ هَعَدَجُ وَأَعَدَجُ
تَعَلَبْ إِذِافَ ، نِي عَبْرَا
هَرَقَبِ أَهِي فَفَ نِي عَبْرَا
يِيئِ اسْنَلَا هَاوَرُ . هَنْسُمُ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам менга қорамол ўттизтага етмагунча ҳеч нарса олмаслигимни амр қилдилар. Қачон ўттизтага етса, ундан бир дона онасига эргашиб юрган бир ёшли эркак ёки урғочи бузоқ. Бу то қирқтага етгунча. Агар унга етса, икки ёшли ғунажин».

Насоий ривоят қилган.

Муъоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан қилинаётган ушбу икки ривоятдан уламоларимиз қорамол закотига тегишли кўпгина ҳукмларни олишган. «Қорамол» деганда мол ва қўтос эътиборга олинишини унутиб

қўймаслигимиз керак.

Демак, қорамол ўттизтага етмагунча закот йўқ, чунки қорамолнинг нисоби ўттизта экан.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.